ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ТЕРИМНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК!

60

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 193 (8433). 10 октябрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА Баҳоси 3 тийин.

САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШДА

МАМЛАКАТИМИЗДА Улуғ Октябрь революцияси туфайли қарор топиб, эндиликда етуклик даражасигача кўтарилган социалистик жамиятимизда миллатларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги таъминланди, уларнинг эски чоризм тузумидан мерос қолган иқтисодий, социал ва маданий тенгсизлиги, қолоқлиги тугатилди. Барча совет миллий республикалари, шу жумладан Шарқда машъал ҳисобланган Совет Ўзбекистонимизда ўзаро қардошларча ёрдамга, аввало улуғ рус халқининг кўмагига таяниб ҳозирги замон қудратли индустрияси, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият вужудга келди ва тинмай тараққий этмоқда.

Илгари иқтисодий ва маданий тараққиётда орқада қолган миллий республикаларни илғорлар даражасига етказиш ва республикамиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш тўғрисидаги ленинча йўлнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда кўптармоқли социалистик саноатни барпо этиш имконини берди.

Ваҳоланки, миллий чегараланиш ўтказилиб Совет Ўзбекистони ташкил топганлигига бор йўғи олтмиш йил бўлди. Шундай қисқа муддатнинг ҳар бир йили асрларга тенг бўлди, катта арихий воқеаларга бой бўлди. Шу давр мобайнида республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари шу вақтгача кўҳна тарих кўрмаган, шоҳиди бўлмаган суръатларда камол топди. Экономиканинг етакчи тармоғига айланган саноат ишлаб чиқариши тараққиётнинг юксак чўққиларигача кўтарилди.

Серқуёш республикамизнинг бир вақтлар чор Россиясининг чекка, қолоқ, қашшоқ ўлкаси сифатидаги кўринишидан асар ҳам қолмади. Октябрь қуёшининг ҳаётбахш нуридан баҳраманд бўлган диёримизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Ўша вақтдаги саноати ишлаб чиқариш технологияси фақат қўл кучига асосланган, ҳозирги маънодаги машинамеханизмлари, асбоб-ускуналари тамомила бўлмаган майда-чуйда, кустар корхоналардан иборат эди. Уларнинг кўпчилигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланиларди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилгандан сўнг ўлкамизда, шу жумладан областимизда хўжалик ва маданий қурилиш миқёслари беқиёс кенгайди. УЛУҒ ДОҲИЙ ЛЕНИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ УЧУН АВВАЛО «МАМЛАКАТНИ ИНДУСТРЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИНИ ЎТКАЗА БЕРИШ...» тўғрисидаги кўрсатмаси беқиёс Ватанимизнинг барча бурчакларидаги каби республикамиз ва областимизнинг йирик саноат марказига айланишига, бу ерга индустриянинг кўпдан-кўп янги, етакчи тармоқларининг вужудга келишига ҳам асос бўлди.

Шу туфайли асримизнинг йигирманчи йилларидаёқ анча замонавий ҳисобланган саноат корхоналари қурилди ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қоғоз ва тикувчилик фабрикалари фойдаланишга топширилди. Чўян қуйиш заводи ишга туширилиб, экономиканинг эҳтиёжлари учун қуюлмалар етказиб бера бошлади. Кўпгина пахта тозалаш корхоналари фойдаланишга топширилди. Биринчи нурхона — Бўзсув гидроэлектр станциясининг фойдаланишга топширилиши катта воқеа бўлди. Бу корхоналар янги, социалистик саноатни вужудга келтиришдаги дастлабки ишончли, истиқболли одимлар сифатида тарих саҳифаларида қайд этилди.

Ҳозирги вақтга келиб республикамиз қудратли индустрия ўлкасига айланди, унда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи бўлиб, корхоналар сони мингтадан ҳам ошиб кетди. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан ускуналанган юзлаб бирлашмалар, комбинатлар, завод ва фабрикалар ишлаб турипти. Уларда ҳар йили ишлаб чиқарилаётган ялпи саноат маҳсулоти ҳажми 21 миллиард сўмликдан ҳам ошиқроқни ташкил этмоқда. Шундай катта ҳажмдаги саноат маҳсулотининг учдан бир қисми бизнинг пойтахт областимиз корхоналарида тайёрланмоқда.

Областимизда саноат тармоқлари сони юзтадан ҳам ортиқдир. Уларда юз минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Саноатнинг бундан олтмиш йил илгари бутунлай бўлмаган қатор соҳалари, жумладан машинасозлик, қора ва рангли металлургия, ёқилғи, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси, катта химия вужудга келди. Енгил, озиқ-овқат саноатлари ҳам юксак даражага кўтарилди.

Республикамиз ва областимиз меҳнаткашлари ўз индустрияларининг қудрати, камоли билан ҳарқанча фахрланишлари учун барча асос бор. Бу ерда ўзбек саноатининг доврўғини, шуҳратини оламга таратаётган, ўз маҳсулотининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича жаҳон стандартлари даражасида бўлишига эришаётган, халқаро бозорда тобора кенг мавқе эгаллаётган ўнлаб саноат гигантлари ишлаб турипти. Бундан олтмиш йил илгари энг оддий иш қуролларини ҳам четдан олиб келишга мажбур бўлган республикамиз эндиликда йирик экспортчи ҳисобланади, саноат маҳсулотларини етмишдан ортиқ чет элларга етказиб бермоқда.

Саноатни ривожлантиришда эришилган бу ютуқлар КПСС ленинча миллий сиёсатининг натижасидир, кўп миллатли халқларимиз ўртасида ташкил топган ва йил сайин мустаҳкамланиб бораётган интернационал дўстлик, ҳамкорлик, қардошларча ёрдам мевасидир. Индустриямиз ходимлари бу ғамхўрликка жавобан ўз зиммаларига юклатилган масъулиятли, шарафли вазифаларни муваффақиятли бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақанинг кенг авж олиши, ишлаб чиқариш коллективлари ва айрим ишчи-хизматчиларнинг шу қутлуғ сана шарафига юксак марраларни қўлдаб меҳнат қилаётганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Олтмиш йилки, серқуёш Ўзбекистонимиз узра социализмнинг ёрқин ол байроғи ҳилпираб турипти. Ундан баҳраманд бўлиб, куч-ғайратга тўлиб-тошган, жамоли кун сайин чирой очаётган, экономиканинг барча тармоқлари қатори саноатни ривожлантиришда юксак натижаларга эришган республикамизга бутун Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ҳавас билан қарашади. Чунки, у чиндан ҳам социализмнинг Шарқдаги машъалидир, ёруғ юлдузидир.

Юлдузнинг янада порлаб ёнаверсин, унинг машъали янада ёрқиноқ намоён бўлаверсин, социализм нурини тағин ҳам ёрқиноқ сочабер, ҳур республикам!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ИШЧИЛАР СИНФИ, ДЕҲҚОНЛАРИ, ЗИЁЛИЛАРИ 60 ЙИЛ ИЧИДА ЭРИШГАН УЛКАН ЮТУҚЛАРИ ҲАҚИДА МАХСУС САҲИФАЛАР БЕРИБ БОРАДИ. БУГУН ГАЗЕТАНИНГ ИККИНЧИ САҲИФАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ, ШУ ЖУМЛАДАН ОБЛАСТИМИЗ САНОАТИНИНГ 60 ЙИЛ МОБАЙНИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АЙРИМ МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

„Оқ олтин" ВАТАНГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

Коммунистик	0,05	69,29	—	76,04
Ғалаба	0,12	68,57	0,06	67,28
Бўка	0,05	66,79	0,04	61,15
Оққўрғон	0,08	65,36	0,10	63,71
Пискент	0,14	61,10	0,14	48,61
Чиноз	0,13	60,86	0,13	32,56
Бекобод	0,10	58,95	—	39,84
Ўрта Чирчиқ	0,18	57,98	0,21	58,30
Янгийўл	0,10	57,25	0,10	35,18
Область бўйича:	0,12	63,02	0,10	54,84

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

МАЖБУРИЯТ — 25 ОКТЯБРГА

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПЛАННИ ОБЛАСТДА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА БАЖАРИБ, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПШИРИШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИЛАР.

ТУЙТЕПА. (Ўз мухбиримиздан). Бу йил ҳам асосий эътибор ерни экишга сифатли тайёрлаб, чигитни табиий нам ҳисобига бир текис ундириб, гектарларда белгиланган миқдордаги кўчатларни сақлаб қолишга, ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстиришга қаратилди. Ана шу мақсадда техникадан, вақтдан унумли фойдаланилди. Далаларни машина теримига тайёрлашда механизаторларнинг ўзлари қатнашдилар. Дефолиациянинг сифатини ҳам ўзлари текширишдан ўтказиб турдилар. Барг бир текис тўкилди. Белгиланган график асосида машиналар ишга туширилди. Техника хизмати яхши йўлга қўйилганлиги учун терим машиналари бир текис ва тўхтовсиз ишлаб турди. Суръат кескин кўтарилиб борди.

Колхозининг Ш. Турдиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари биринчи бўлиб планни бажардилар. Шундан сўнг Н. Фозилов, Х. Йўлдошев, Э. Каримов, Х. Дадашев сингари ўртоқлар бошлиқ бригаларнинг коллективлари ҳам маррага етиб келдилар.

Йиғим-терим пайтида колхоз правленнеси, партия ташкилоти далада меҳнат қилаётганларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бершди. Механизаторларнинг меҳнатига бу йил ҳам терилган пахтанинг сифатига қараб ҳақ тўлаб борилди. Илғор механизаторлардан Р. Абдураззоқов, З. Рўзиматов, Н. Тожиқулов, Т. Юнусов, А. Бегалиев, А. Гулматов, И. Аҳмедов сингари ўртоқлар мусобақа пешқадамлари бўлдилар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 140—130 тоннадан пахта териб топширдилар. Машиналар хирмонга барака киритди. Колхоз областда биринчи бўлиб 18 иш кунида пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажарди. Давлатга 3500 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Бу ҳосилнинг 60 процентга биринчи сортларга топширилди. 90 процентга эса машиналар ёрдамида йиғиб олинди.

— Ҳали далаларимизда ҳосилнинг анчагина қисми турибди, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, область пахтакорлар Советининг раиси М. Рўзиматов.— Биз яна 650 тонна пахта топширамиз, ҳосилдорликни 36 центнерга етказишга аҳд қилганмиз.

Суратда: Охунбобоев номли колхознинг бир группа илғорлари (чапдан ўнгга) бош агроном А. Шеримбетов, механик-ҳайдовчи Н. Худойназаров, бригадир Ш. Турдиев, механик-ҳайдовчи Д. Аҳмедов ўртоқлар.

А. Мальцев фотоси.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ҲИССАЛАРИ КАТТА

БЎКА. Зафар маррасига биринчилар қатори яқинлашиб келаётган Тимирязев номли колхоз меҳнаткашлари машина терими планини бажаришди. Шу кунгача далаларда юксак унум билан ишлатилган 18 та «зангори кема»нинг ҳар бири бункеридан ўртача 180 тоннадан пахта тўкилди. Машиналар ёрдамида йиғиштириб олинган жами «оқ олтин» эса 3260 тоннани ташкил этди.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда илғор механик-ҳайдовчилардан Ҳасан Ҳожиев, Йўлдош Остонаев, Аҳмад Эшонқулов ва Аброр Асроровларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уларнинг ҳар бири хирмонга 190—200 тоннадан ошириб ҳосил тўкишди.

БАЙРОҚДОР ҲАШАРЧИЛАР

Райондаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми талабалари ҳосил йиғим-теримида пахтакорларга яқиндан ёрдам беришаяпти. Айни кунларда «Кўкорол» совхозининг 3-бўлимида меҳнат қилаётган техникум ўқувчилари ҳашарчилар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Шу кунгача улар тўрт марта район кўчма қизил байроғини қўлга киритдилар. Ўқувчилардан Нуриддин Халилов, Шавқат Маматов, Зокир Дадабоев ва Одил Умаровлар бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бири кунига 120 килограммдан ошириб пахта теряпти.

Ҳашарчи йигит-қизларнинг ниятлари улкан. Улар мавсумда 1000 тонналик хирмон уйишмоқчи. Ҳозиргача терган пахталари 520 тоннадан ошди.

МАРРАДАН ЎЗДИЛАР

КОММУНИСТИК. «Политотдел» колхозининг Усмон Турсунбоев бошлиқ 12-ҳамда «Ўзбекистон» колхозининг Виктор Ан бошлиқ 1-бригадаси пахтакорлари ҳам кунига дастлабки довондан ошишди. У. Турсунбоев бошлиқ бригада пахтакорлари мавжуд 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,82 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Юқори сортларга топширилган жами «оқ олтин»нинг 90 процентга машинада терилди. Бригада механизаторларидан Эркин Ўрозов ҳамда Темир Сайфуллинлар ҳосил йиғим-теримида алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Бригада аъзоларининг аҳди ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил салмоғини 40 центнерданга етказишдир.

Мавжуд 61,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,3 центнердан хирмон уйган В. Ан бошлиқ бригада аъзолари ҳам умумий ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олишди. Бу ютуққа механик-ҳайдовчилардан Карим Норимбетов ва Умарбек Кенжалиевлар катта ҳиссаларини қўшишди.

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЭРИШИЛДИ

ҒАЛАБА. Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги пахтакорлари ҳосил йиғим-теримида энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Шу куни йиллик планга нисбатан 4,8 процент пахта тайёрланди. Бригадалар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган Норқул Умурзоқов бошлиқ 2-бригада коллективи аъзолари эса 5—6 процентдан пахта тайёрламоқдалар.

ҲАВАСКОРЛАР ХИЗМАТИ

ОҚҚЎРҒОН. Район маданият бўлими томонидан ташкил этилган агитбригада коллективи қатъий график асосида пахтакорларга намунали маданий-хизмат кўрсатяпти. Ўткан куни бригада аъзолари «Оққўрғон» совхози далаларида бўлишди. Ҳавоскорлардан Абдуқодир Боиров, Эргаш Пардашев, Феруза Дадабоева ва Сабоҳат Бозоровалар ижро этган куй ва қўшиқлар меҳнаткашларга манзур бўлди.

КАНОП ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

КОММУНИСТИК. Бу йил район далаларида луб экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғим ишларини ташкил этишда техника воситаларидан унумли фойдаланилди. Бу иш ҳар бир колхоз ва совхозда қатъий график асосида олиб борилди. Натижада қабул пунктларига 113 минг 700 тонна канап пояси топширилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Бу ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилинди.

Лубкорлар мусобақасида «Политотдел» колхозининг деҳқонлари олдинда бормоқдалар. Бу хўжаликда ҳозирга қадар йиллик план 111 процентга етказиб бажарилди. Ёки давлатга 28 минг 761 тонна ҳосил топширилди.

«Ленинский путь», Свердлов номли, Карл Маркс номли колхоз лубкорлари ҳам ўрим-йиғим ишларида пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ҳам далаларда етиштирилган мўл ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиб олиб, планларини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар.

Канопзорларда иш қизғин. Лубкорлар юбилей йили учун олган социалистик мажбуриятларини ҳам муддатидан илгари бажариш, ялпи луб хирмонини 120 минг 300 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

ЯАР президенти Москвага келди

Яман Араб республикасининг президенти А. А. Солих СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 9 октябрь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмон аэродромдан Кремлга йўл олди.

Кремлда, катта Кремль саройи олдидаги майдонда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко А. А. Солихни табриклаб кутиб олди.

Кремлда кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико ҳозир бўлдилар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Марказий Комитети ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1984 йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент области. Бу область хашак тайёрлаш йиллик планини 79 процент, пичан тайёрлаш планини 73,4 процент, силос бостириш планини 67,1 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 83,4 процент бажарган, ем-хашак тайёрлашда сентябрь ойида энг кўп ўсишга эришган;

Хоразм областининг Боғот райони. Бу район хашак тайёрлаш йиллик планини 106 процент, пичан тайёрлаш планини 65 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 89,5 процент, силос бостириш планини 162 процент бажарган, ем-хашак тайёрлашда сентябрь ойида энг юқори ўсишга эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Фарғона областининг Қува райони. Бу район сентябрь ойида ем-хашак тайёрлашда юқори ўсишга эришиб, хашак жамғариш йиллик планини 127 процент, пичан тайёрлаш планини 62 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 130 процент, силос бостириш планини 105 процент бажарган. Байроқ Жиззах областининг Арнасой районидан олиб берилади;

Наманган областининг Чортоқ райони. Бу район сентябрь ойида ем-хашак тайёрлашда юқори ўсишга эришиб, хашак жамғариш йиллик планини 91 процент, пичан тайёрлаш планини 90 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 76 процент, силос бостириш планини 139 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областининг Қумқўрғон районидан олиб берилади.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона областида қолдирилди.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах области.

Тошкент областининг Оҳангарон райони, Жиззах областининг Дўстлик райони, Жиззах мева-сабзавотчилик аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Абдужабборов номли совхози, Тошкент мева-сабзавотчилик аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Охунбобоев номли совхози, Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Ленин номли совхози, Самарқанд область, Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхоз.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети мева, сабзавот экинлари ва картошка ҳосилдорлигини ошириш ва шу маҳсулотларни етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан районлар, совхозлар, колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил 1 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Бўстонлиқ районига (район партия комитетининг секретари Ҳайдуров, район ижроия комитетининг раиси Айдарқулов, район комсомол комитетининг секретари Ҳайитов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Эшматов, РАПО Советининг раиси Саидкаримов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Жуманов ўртоқлар). Бу районда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 87,6 процент, картошка сотиш плани 66 процент, ҳўл мева сотиш плани 68,7 процент, узум сотиш плани 62,5 процент бажарилган. Сентябрь ойининг иккинчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашда 27,5 процент картошка тайёрлашда 4 процент, ҳўл мева тайёрлашда 3 процент, узум тайёрлашда 50,3 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилади.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозига (директор вазифасини бажарувчи Нишонов, партия комитетининг секретари Садриддинов, касаба союз комитетининг раиси Исмоилов, комсомол комитетининг секретари Кенчимов ўртоқлар). Бу совхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш плани 82,2 процент, картошка сотиш плани 200 процент, ҳўл мева сотиш плани 110 процент бажарилган. Сентябрь ойининг иккинчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашда 13,3 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Тошкент районидаги «Тошкент» совхозидан олиб берилади.

Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозига (раиси Пратов, партия комитетининг секретари Ҳусанов, касаба союз комитетининг раиси Норметова, комсомол комитетининг секретари Бекматов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 106 процент, картошка сотиш плани 74,8 процент, ҳўл мева сотиш плани 101,5 процент, узум сотиш плани 13 процент бажарилган. Сентябрь ойининг иккинчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашда 26,3 процент, картошка тайёрлашда 6 процент, ҳўл мева тайёрлашда 12,8 процент, узум тайёрлашда 2,1 процент ўсишга эришилган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Калинин районидаги «Қорасув» совхозига ва Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

60

ИНДУСТРИЯМИЗНИНГ БЕҚИЁС ТАРАҚҚИЁТИ

ҲИССАМИЗ — УЧДАН БИР ҚИСМИ

Олтмиш йил... Кўҳна тарих учун денгиздан томчидек бир зарра. Лекин бизнинг социалистик давлатимиз учун тарихий воқеаларга бой, сермазмундир. Унинг ҳар бир йили, ҳар бир куни ва ҳатто дақиқалари ҳам ҳаётимизда катта из қолдирди, тараққиётимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан қайд қилишга арзигулик бўлди.

Шу давр мобайнида республикамиз чор Россиясининг қолоқ, қашшоқ, ёппасига саводсиз ўлкасидан халқ хўжалиги барқ уриб ривожланган диёрга айланди. Эндиликда экономиканинг етакчи тармоғига айланган саноат ишлаб чиқариши мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди.

Республикамиз, шу жумладан областимиз саноатининг ҳозирги қиёфасини бундан олтмиш йил илгарисига ҳеч тақ-қослаб бўлмайди. Уша вақтда ўлкамизда ҳозирги маънодаги индустрия умуман йўқ эди. Ўнлаб майда-чуйда ҳунармандчилик устахоналари ишларди.

Бундан роппа-роса олтмиш йил илгари ҳозирги республикамиз территориясидаги саноат корхоналарида ишчи-хизматчилар сони бор-йўғи 6244 кишидан иборат эди. Юқорида айтганимиздек, корхоналар майда бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўрта ҳисоб билан 40 киши ишларди. Милий чегараланиш бўлганда Ўзбекистонда 110 та корхона бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи ишламасди. 1924—1925 йилларда республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг жами ҳажми ўша даврдаги нарх бўйича 228 миллион, сўмликни ташкил этди. Шу фактлар республикамиз индустрияси ўтмишда нақадар қолоқ, примитив эканлигига қаноат ҳосил қилиш учун етарлидир.

Шундан бери ўтган тарихан қисқа даврда партиямизнинг ақл-идроки, ленинча миллий сиёсати, раҳнамолиги, республикамиз коммунистларининг фидокорлиги, ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларимизнинг шижоати ва куч-ғайрати туфайли саноатимиз таниб бўлмас даражада ривожланди, унинг кўпгина янги, етакчи тармоқлари вужудга келди, замонавий техника воситалари, фан ютуқлари билан қуролланган, ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада автоматлашган ва механизациялашган гигант корхоналар ишга туширилди.

Ўрта Осиёнинг ривожланган индустрияси етакчи саноат корхоналари жойлашган, ишчилар синфи марказлашган энг йирик шаҳри — Тошкент ҳақли равишда янги саноат марказларининг ажойиб йўлчи юлдузи ҳисобланади. Унинг теварагида кўпгина янги индустриал шаҳарлар вужудга келди. Кимёгарлар ва машинасозлар шаҳри Чирчиқда ҳозир ҳар йили юзларча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бекободни эса қора металлургия ва цемент саноати шаҳри деб бежиз айтишмайди. Ёқилғи саноати марказлашган Ангрен фақат кўмири билан эмас, энергетикаси, бинокорлик материаллари, химияси билан халқ хўжалиги хизматида. Тоғлар бағрида, қир-адирларда қад кўтарган Олмалиқ рангли металлургияси, минерал ўғитлари, кенг истеъмол товарлари билан машҳур. Оҳангарон ва Наримонов шаҳарлари меҳнаткашлари етказиб бераётган бинокорлик материаллари республикамизда муттасил кенгайиб бораётган капитал қурилиш учун жуда асқотмоқда. Янгийўл биохимия, енгил ва озиқ-овқат саноати шаҳри ҳисобланади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин юзага келган бундай индустрия марказлари республикамизда анчагина бор. Уларнинг ҳар бирида 1924 йилда бутун республикамиз саноатида ишлаб чиқарилганидан ортиқроқ саноат маҳсулоти тайёрланмоқда.

Ўзбекистон саноатида пойтахт области етакчи ўрин эгаллайди. У республика майдонининг 3,5 процентини эгаллагани ҳолда бутун Ўзбекистонда тайёрланаётган ялпи маҳсулотнинг учдан бир қисмини бермоқда. Биргина ўтган йили 7 миллиард сўмликдан ошиқроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Областимизнинг электротехника, машинасозлик, енгил саноати ва бошқа саноат тармоқлари ўз маҳсулотларини Иттифоқимиздан ташқари ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳам етказиб бермоқда.

Кўп сонли саноат ишчиларининг вужудга келганлиги ҳам ўзбек халқининг олтмиш йил ичида эришган катта ютуқларидан бири бўлди. Жамиятимизнинг етакчи кучи бўлиб қолган ишчилар иқтисодий ва социал ривожланиш бўйича белгиланган улуғвор программаларни амалга ошириш учун умумхалқ курашининг олдида бормоқдалар, ўзларининг фидокорона, қаҳрамонона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Барча саноатчиларимиз республика индустриясини тез суръатлар билан ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар, зиммаларидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни муваффақиятли уддаламоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга астойдил интилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам саноат корхоналари коллективлари юбилей йилида ой сайин зафар кетидан зафар қучмоқдалар. Улар қутлуғ сана шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш тўққиз ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Қўшимча ўнларча миллион сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Индустриямиз ходимлари бундан буён ҳам она-Ватан куч-қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXVI съезди белгилаган улуғвор режаларни амалга оширишга ҳисса қўшиш иштиёқи билан ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар.

Н. УМАРОВ,
геология-минерология фанлари кандидати.

● ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ.

● ЖАҲОННИНГ 70 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТИГА.

● КАТТА ХИМИЯНИНГ УЛКАН ОДИМЛАРИ.

ТЕХНИКА БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

М. ТУРОБОВ,
СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчиси, КПСС XXVI съезди делегати

«Омборларда ўрис омочлар, темир мола, шамол машина, ўроқ машиналар, қўл ўроқлар, чалғи ўроқлар, теша, омоч ва деҳқончилик учун бошқа зарур қурол ва асбоблар бор...»

«Главтекстильдан олинган маълумотларга кўра, Туркистон деҳқонларига кетмон тайёрлаш учун Стокгольмга буюртма берилган...»

Асримизнинг йигирманчи йиллари бошларида чиққан газеталарда шунга ўхшаш хабарлар босилиб турарди. Даврмиз, тараққиётимизнинг ҳозирги чўққилари нуқтаи назаридан бу хабарлар бироз қизиқроқ туюлиши мумкин. Лекин, ўша вақтда ҳозирги ибора билан айтиладиган бўлса шундай «арзимас» буюмлар ҳам бошқа юртлардан келтирилган. Ўша вақтдаги Ўзбекистонимиз территориясида шундай иш қуроллари ҳам чиқарилмаган, айримлари тайёрланган бўлса ҳам жуда кам бўлган. Бу тарихий ҳақиқат. Бундан олтмиш йил илгариги аҳвол шундай аянчли эди. Ҳа, ҳатто арзимаган кетмонни ҳам Швеция кампаняларидан сотиб олишга мажбур эдик.

Машиналаримизнинг ҳозирги қудрати, довруғи билан ўзимда йўқ ғаурланар эканман улуғ доҳий В. И. Ленининг партиямиз саккизинчи съезди минбаридан туриб билдирган орзуси ёдга келади. У шундай деган эди: «Агарда биз эртага юз мингта энг яхши трактор бера олсак, уларни бензин билан, машинистлар билан таъминлай олсак эди (ҳозирча бу ҳаёл эканлигини яхши биласиз) у вақтда ўрта деҳқон «мен коммуния тарафдориман (яъни коммунизм тарафдориман)» деяр эди.

Шундан бери олти ўн йиллик ўтди. Лекин, шу қисқа муддат ичида республикамиз, унинг экономикасида етакчи ҳисобланган Тошкент областимиз машинасозлиги шунчалик ривожланиб, тараққиётнинг юксак маррарини эгалладики, уни ўйлаганда завқинг ортади. Эндиликда бизда саноатимиз бу етакчи тармоғининг замонавий техника воситалари билан ускуналанган ўнлаб йирик бирлашмалари, заводлари бўлиб, уларда турли-туман машина механизмлар ишлаб чиқарилмоқда. Айримлари маҳсулот маълум хилини тайёрлаш бўйича республикада эмас, ҳатто мамлакатда ягона ва етакчи ҳисобланади. «Ташселмаш» заводи, «Ўзбектекстильмаш», «Ўзбекхлопкомаш», «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари шундай корхоналардир.

Пойтахт областимизда юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалик машинасозлиги вужудга келтирилди. Биргина ўтган йили бу тармоқ корхоналари коллективлари мамлакат пахтакорларига 24,7 мингта трактор, 36,5 мингта трактор прицеплари, 21,2 мингта трактор культиваторлари, 10,1 мингта пахта териш машиналари, 160,6 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бердилар Биргина «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи яратган юзларча мингта «пўлат «жийрон»лар бугун деҳқонларимиз хизматида.

Машинасозларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар хорижий мамлакатлар томонидан ҳам кўплаб харид қилинмоқда, халқаро бозорда мустаҳкам ўрин олиб турипти.

Умуман олганда, пойтахт областимиз машинасозлик корхоналари пахтачилик машиналари, пахта саноати учун асбоб-ускуналар, каноп толасини қайта ишловчи механизмлар ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқда етакчи ўринни эгаллаб турипти. Ҳа, машинасозлигимиз шундай тараққий этди. Бу социалистик тузум шарофати, унинг афзаллиги далилидир.



Саноат корхоналари сонининг ошиши.

Электр энергиясн ҳосил қилишнинг кўпайиши.

НУР ҚЎЙНИДА

И. МУСЛИМОВ,
Тошкент давлат район электр станцияси энергоблокининг катта машинисти, КПСС XXV съезди делегати

11,5 миллион ва 41,7 миллиард киловатт-соат. Бу рақамлар республикамиз ташкил этилгандан бери олтмиш йил давомида энергетикамиз босиб ўтган йўлни ифодалайди.

Биринчи рақам бундан 60 йил илгари республикамиздаги нурхоналарда ҳосил қилинган электр энергияси миқдорини кўрсатади. Ҳозирги ўлчовлар билан у жуда кам, арзимагандек. Қолоқ, вайронага айланган республикамизда шунча ҳажмдаги электр энергияси ҳосил қилиш жуда мушкул, машаққатли бўлди, лекин у халқ хўжалиги учун жуда асқотди.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида эса иккинчи рақам кўрсатган миқдордаги ҳаётбахш нур ҳосил қилинди. Биргина пойтахт областимизда нурхоналар коллективлари ўтган йили экономика эҳтиёжлари учун 15,5 миллиард киловатт-соат ток етказиб бердилар.

Энергетикамизнинг бугунги юксак чўққиларидан туриб, босиб ўтган тарихий йўлига назар ташлар эканман ўлкамизнинг нурафшон диёрга айланишида, нур қўйнида чўмилишида буюк доҳиймиз Ленининг, унинг васиятларига оғишмай амал қилаётган Коммунистик партиямизнинг зўр донишмандлигига, узоқни кўра-билишига, энергетикамизни барпо этиш ва камол топтириш ҳақидаги ғамхўрлигига яна бир бор миннатдорчилик туйғуларини исхор қилгинг келади.

Улуғ доҳий Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгандан сўнг кўп ўтмай «Коммунизм — совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир» деган чуқур маъноли шиорни ўртага ташлади. Ташладигина эмас, уни амалга ошириш бўйича лойиҳалар яратиш ишларига ҳам бош-қош бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида машҳур ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилди. Шу планга мувофиқ йигирманчи йилларда Тошкентда Бўзсув ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди.

Тўнғич корхона энергияси шаҳарни электрлаштиришда катта роль ўйнади. Ўшанда шаҳарда, атиги бешта дизель қурилмаси ишлар ва унинг қуввати шаҳар трамвайига зўрға етар эди. Бўзсув ГЭСи областимиз, қолаверса республикамиз энергетика системасининг қалдирғочи бўлди. Шундан кейин электр станциялари қурилиши кенг қулоч ёйди. Ўттизинчи йилларда Чирчиқ дарёсида қатор ГЭСлар тизмаси пайдо бўлди. 1946 йилда Фарҳод ГЭСига пойдевор қўйилди. Унинг турбиналари бир кечакундузда икки ярим миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ҳосил қилмоқда.

Сув дея, нур дея интизорликда азоб чеккан отабоболаримиз набиралари бугун октябрь қуёши кулиб боққан ўлкада сувга ҳам қонаяпти, нурга ҳам қонаяпти. Чунки, гидронурхоналар қурилиши билан асрлар давомида қақраб ётган қуриқ ерларга сув етказиб берадиган иншоотлар ҳам барпо этилди. Чорвоқ, Хўжакент ва Ғазалкент ГЭСлари ишга туширилди.

Ёқилғи асосида ишловчи қатор станциялар қурилди. Ангрен ГРЭСи экономикага хизмат қилмоқда. Навоий, Тошкент, Тахиатош, Сирдарё нурхоналари табиий газ асосида ишламоқда. Янги Ангрен ГРЭСи яқин кунлар ичида энергетика системасига электр нури етказиб берабошлайди. Ҳозирги вақтда мавжуд электр станцияларининг умумий қуввати 10 миллион киловаттга яқинлашиб қолди.

Келажакда республикамизда электр энергияси ҳосил қилишни 80 миллиард киловатт-соатга етказиш назарда тутилмоқда. Энергетикларимиз бу улкан маррани муваффақиятли эгаллашни дилга маҳкам жо қилиб олганлар.

МЎЪЖИЗАЛАР ЎЛКАСИ БУ!

К. МАМАТКУЛОВ,
Олмалиқ химия заводи аппаратчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати

Серқуёш диёримизни мўъжизалар ўлкаси деб айтсак муболаға қилмасак керак, деб ўйлайман. Халқимиз ҳар соҳада, айниқса химия соҳасида мўъжизалар яратаётганлиги ҳаммага маълум ва машҳур. Эндиликда республикамиз экономикасини катта химиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. У узоқ йиллар давомидаги машаққатлар, матонат, фидокорона яратувчилик меҳнати туфайли шу даражага етди.

Ҳақиқатан, Совет Ўзбекистони ва республика Компартияси ташкил этилган йилда химиямиз умуман бўлмаган эди. Ўша вақтда фақатгина Шўрсувда олтингугурт кони бор эди. Республикамизнинг ўша даврдаги бутун химияси фақат шу кондан иборат эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб экономиканинг бошқа тармоқлари қатори маҳаллий ҳаёт учун янгилик бўлган химия индустрияси ҳам барпо этила бошланди. Чирчиқ шаҳрида катта химиямиз тўнғичи— йирик комбинатнинг дастлабки корпуслари қурила бошлади. Улуғ Ватан уруши арафасида корхонанинг қатор ишлаб чиқаришлари ишга туширилди, уларнинг осмонўпар дудбуронларидан аланга кўтарилди. Биринчи марта водород, азот, кислород ва аммиак олинди. Шундай қилиб мўъжизакор тармоқ — химия саноатига пойдевор қўйилди. Бу улкан ғалаба, индустриянинг бу етакчи тармоғини ишлар кўлами кенгайгандан кенгайиб борди. Янги-янги корхоналар қурилди, мавжудлари реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш қуватлари оширилди. Тошкент ва Олмалиқда, Самарқанд ва Навоийда, Фарғона ва Қўқонда комбинатлар, заводлар ишга туширилди. Бунинг натижасида, аввало, минерал ўғитлари ишлаб чиқариш бирнеча баравар кўпайди. Бундан ташқари лак-бўёқлар, капролактим, резина, пластмасса буюмлари, сунъий чарм, ювиш воситалари, этил спирти, фурфурол, ачитқилар ва бошқа ўнлаб хил маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Мўъжизакор тармоқ истиқболи эса янада жозибадордир. Яқин ва узоқ келажакда унинг янги-янги корхоналари қурилади, мавжудларини кенгайтирилади. Бу тармоқда маҳсулот, айниқса пахтачилик учун зарур бўлган минерал ўғитлар, турли химикатлар ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз кўпайтириб борилаверади.

Ўзбекистонни нурли ўлка деб бежиз айтишмайди. Унинг бағрида барпо этилган ўнлаб электр станциялари ҳар йили миллнард киловатт-соатлаб ҳаётбахш нур ҳосил қилмоқда. Ҳозирги вақтда яна бир йирик станция — Янги Ангрен ГРЭСи барпо этилмоқда. Ушбу суратда шу нурхонани қуришда қатнашаётган В. Засадний бошчилигидаги кўп миллатли монтажчилар бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши.

Саноат тармоқларининг кўпайиши.

ДОВРУҒИ ЖАҲОН ОШГАН

Республикамиз ўз индустрияси тараққиётида шундай юксакликка кўтарилдики, у ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари мамлакатимиз ошa бутун жаҳонга машҳур ва манзур бўлмоқда. Ўзбекистонимиз эндиликда йирик экспортчи ҳисобланади. У кўплаб турли-туман маҳсулотларни хорижий давлатларга етказиб бермоқда, фан-техника тараққиётининг қатор соҳаларида ривожланган капиталистик мамлакатлар билан бемалол беллашмоқда, айрим тармоқларда ҳатто устунлик ҳам қилмоқда. Шунинг учун ҳам у жаҳон бозорида тобора кенгроқ мавқени эгалламоқда.

Бизнинг диёримиздаги ишлаб чиқариш бирлашмалари, завод- фабрикалар, комбинатларда тайёрланаётган турли-туман маҳсулотларнинг чет эллик буюртмачилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати уларни харид қилмоқда. Серқуёш ўлкамиз саноат маҳсулотини экспорт қилиш ҳажми бўйича Иттифоқчи республикалар ўртасида учинчи ўринни эгаллаб турипти. Айрим маҳсулот турлари бўйича етакчи ҳисобланади. Айниқса, пахтачилик учун машина-механизмлар, пахта тозалаш саноати учун асбоб- ускуналар етказиб беришда устун туради. 180 та корхонамизнинг хорижий мамлакатларда мижозлари, буюртмачилари бор.

Республикамиз саноатининг етакчи маркази ҳисобланган пойтахт областимиз индустрияси ходимларининг ақл- заковати билан кучсинган юзлаб маҳсулотлар ҳам чет элларга жўнатилмоқда.

Машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва пахтачилик учун мўлжалланган тракторлар, пахта териш машиналари, культиваторлар, «оқ олтин» тозлаш саноати асбоб-ускуналари жаҳоннинг ўнлаб мамлакатига етказиб берилмоқда. Тошкент компрессорини қирқдан ортиқ чет эл давлатларида учратиш мумкин. Биргина Болгария биздан қишлоқ хўжалик машиналари, химия асбоб-ускуналари, компрессорлар, электротехника буюмлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олаяпти. Тошкентлик ишчилар тайёрлаган экскаваторлардан кўпгина чет элларда фойдаланишяпти. Кейинги ойларда бундай агрегатларнинг янги туркуми Куба, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Афғонистон, Чехословакияга жўнатилди.

Саноат корхоналаримиз коллективлари ўз миллий суверенитетини мустаҳкамлашга интилаётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси ўнлаб ёш мамлакатлари буюртмаларини вақтида бажариш учун астойдил интилмоқдалар. Ўзларининг техникавий ёрдамлари билан уларнинг иқтисодий мустаҳкамланишига, империалистик давлатларга қарамликдан халос бўлишларига кўмаклашмоқдалар. Улар биздан енгил саноат маҳсулотларидан тортиб машина-механизмларгача сотиб олишяпти. Ҳиндистон, Сурия, Жазоир, Бирлашган араб республикаси, Мали, Марокаш, Нигерия, Гвинея ва бошқа қатор мамлакатлар экономикасининг турли тармоқларида областимиз саноат корхоналари маркаси босилган асбоб-ускуналар тобора кенг фойдаланилмоқда.

Областимиз саноатчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга чет элларда талабнинг ортиши улар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Индустриямиз ходимлари ўз маҳсулотларининг техник-иқтисодий ва эстетик ҳусусиятларини муттасил яхшилаб боришлари, жаҳон бозоридаги мавқеларини тинмай мустаҳкамлашлари керак. Бунинг учун корхона маркаси, демак совет маркаси шуҳратини ошириш учун уларнинг жаҳон стандартлари даражасида бўлишини таъминлашлари даркор. Бу ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг муқаддас бурчи, шон-шараф иши бўлиб қолмоғи зарур.

ОТАНГГА РАҲМАТ, ДЕҲҚОН

ДЕҲҚОННИНГ ўз иқболини оппоқ толалардан яратмоқ иштиёқидаги кураши қизғин тус олди. Унинг иродаси ва матонати билан қад тиклаётган осмонўпар хирмонларни кўриб завқингиз тошади. Пахтакорлар кўнглидай кенг майдонлар узра ҳоким бўлган аҳиллик, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик руҳига ҳавасингиз келади. Она-Ватанини, мўътабар халқини жондан севган ҳар бир киши ҳаяжонланганидан барча-барчани ўз қучоғига чорлаётган олтин далалар таърифига сўз топа олмайди. Пахтакор деган шарафли номни бутун дунёга таратган азиз диёримизнинг барча меҳнат аҳли қатори Пискент район «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг ҳалол меҳнат қилаётган каттаю кичик аъзоларининг юраги яқин кунларда қозонажак улкан зафар билан ёнаётганини кўриб қувонасан, киши. Бу хўжалик деҳқонлари яқин кунларда планни ва ҳатто мажбуриятни дўндириб қўйишга аҳду паймон қилганлар. Ҳар йили планни ва мажбуриятни биринчилар қаторида бажариб келар эди. Фақат ўтган йилигина баъзи камчиликлар сабаб бўлиб, мажбуриятни районда бешинчи бўлиб бажаришга тўғри келди. Бунинг устига ҳар гектар ердан терилган пахта 38 центнер ўрнига 29,6 центнерга тушиб қолди. Пахтакорлар ўтган йилги камчиликлардан хулоса чиқариб кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилдилар. Бу ўз самарасини берди. Шу кунларда хўжалик далаларини кезган киши ўз кўзи билан кўриб бунга иқрор бўлади: ҳосил ниҳоятда яхши. Ғўзалар пухта етилиб, ҳар тупда 12—14 тадан бўлиқ кўсак тугди. Ҳозир эса бари ёппасига очилди. Дефолиация ишлари 15 сентябрга қолмай маромига етказилиб бажарилди. Азамат деҳқонлар мавжуд 850 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил ундириш учун астойдил бел боғлаб ишламоқдалар. Мавсумда хўжалик бўйича камида 3400 тонна «оқ олтин» хирмони уйилиши керак. Бунинг учун пухта замин яратилган.

Хўжалик пахта териш ва тайёрлашни индустриал усул билан олиб бормоқда. Механизаторлар терим агрегатларини энг юқори унум билан ишлатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун ҳосил йиғим-терими қизғин тус олган шу паллада кунлик ўсиш тобора юқорилашиб бормоқда. Далада 16 терим машинаси ишлаб турибди. Ўтган йили машина бункеридан 130 тонна пахта тўккан Ҳусан Саидов, 125 тонна «оқ олтин» терган Худойқул Мақсумов, 125 тонналик хирмон уйган Азалхон Аҳмедовлар бу йил 160 тоннани мўлжаллаб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига ўрта ҳисоб билан 13 тоннага етказиб хирмон уйишмоқда.

Ишнинг унумли бориши учун хўжаликда барча зарур тадбир чоралар яхши йўлга қўйилди. Даладаги техника учун эҳтиёт қисмлар билан таъминланган учта кўчма ремонт устахонаси ишлаб турибди. Ҳар бир механизаторга икки чилангар ва бир механик бириктирилган. Бирор «лат еган» механизм даланинг ўзида ремонтдан чиқарилади, муддатни бой бермай ишга тушиб кетаверади. Ҳар бир машинага учтадан прицеп тиркаб қўйилган бўлиб, улар терилган пахтани ўша жойнинг ўзидан пешмапеш ташиб кетмоқда. Механизаторларнинг ҳар бирига 50 гектардан майдон ажратиб берилган. Улар мавсум охиригача ана шу майдоннинг бир грамм ҳам пахтасини қолдирмай, тозалаб беришлари керак. Улар бир-бирлари билан мусобақадош, бир-бирларидан тажриба

ЕЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ўрганмоқдалар. Ҳаммалари аҳил, шу билан бирга меҳнат беллашувида бир-бирларидан ўзиш, илғор бўлиш учун кураш руҳи билан яшамоқдалар.

Юртимиз шарафида ўз бахтини кўрган бундай азаматларни колхознинг ҳар бир бригадасида учратиш мумкин. 160 гектар ерга пахта эккан Карим Хўжабоев бошлиқ 4-бригада аъзолари бу йил 40 центнердан, Рустам Раҳмонов бошлиқ 1-бригада аъзолари эса 42 центнердан ҳосил тўплаб, яқинда ўз ваъдаларининг уддасидан чиқишга аҳд қилганлар.

Дала кезар экансиз, бир текисда қийғос очилган пахталарни кўриб завқингиз ошади.

— Туксизлантирилган чигит экишнинг ҳосияти бу, — дейди севинчини яшира олмаган колхоз раиси Отамшоҳ Азнауров, — илгари экишда ҳар гектар ерга 160 килограммдан уруғ сарфланарди. Энди 20—25 килограммдан сарфлаяпмиз, холос. Натижа ёмон эмас. Яганага ҳожат қолмаяпти. Ҳосилдорлик ҳам икки баравар ошди...

Отамшоҳ Азнауровнинг ишбилармонлиги қўл келганидан барча мамнун. 1979 йили уни амал-тақал ҳосил ундириш билан йиллик планини бажара олмай келаётган колхозга раҳбарликка сайладилар. Оқибати ёмон бўлмади. Гектаридан аранг 20 центнердан пахта топшираётган хўжаликда янги раис шарофати билан биринчи йилиёқ ҳосилдорлик 30 центнерга кўтарилди. 1982 йилга келиб эса барча бригадалардаги ўртача ҳосил 38,3 центнерданга тўғри келди.

Ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, кўзлари мулойим боқувчи, шоир табиат бу одам гўзалликни жуда-жуда яхши кўради. У фақат пахта ҳақида ўйламай, оддий тупроқдан олтин ундираётган меҳнат аҳлининг турмуши кўркам бўлишининг ҳам ғамини ейди. Кўримсиз, пастак уйларда истиқомат қилувчилар учун раис қатор-қатор коттедж типидаги уйлар қуришга бош-қош бўлди. Чорвадорларнинг турар-жойларини яхшилашга катта эътибор берди. Совхоз йўллари асфальтланиб, теварагида дарахтзорлар, кўркам боғлар пайдо бўлди. Хонадонларга водопровод келтирилди. Илгари хўжаликдаги катта-кичик йиғилишлар очиқ ерда ўтказилган бўлса, энди уларнинг 400 ўринли маданият саройлари бор. Бу ерда ҳаваскорлар ансамбли деҳқонларга ҳар шанба ва якшанба кунлари концерт бермоқда. Сўнгги уч-тўрт йил ичида маиший хизмат кўрсатиш уйи, новвойхона, болалар боғчалари, машина-трактор устахоналари, 400 бош соғин сигирга мўлжалланган янги типдаги молхона, товуқхона, икки юз тонна минерал ўғит сақланадиган омборхона қад кўтарди. Биолаборатория, агрохимия лабораторияси бинолари ҳам ишга тушиш арафасида. Колхозчиларнинг кучи билан йиғирма икки хонадонга мўлжалланган ҳовли жойлар қурилмоқда. Хуллас, колхоз территорияси борган сари таниб бўлмас даражада ўзгариб, ажиб бир ҳусн кашф этмоқда.

Турмуш шароитларидан ниҳоятда мамнун бўлган хўжалик аҳли бу ғамхўрликларга жавобан астойдил меҳнат қилиб, ҳар соҳада бирор ташаббус кўрсатишга интилмоқда. Айниқса, улар пахтага алоҳида меҳр-муҳаббат қўйишган. Деҳқонлар ўз кўнгилларидай кенг ва сахий далаларга оро беришни, йилдан-йилга улкан ҳосил кўтаришни ёқтирадилар. Дам олиш пайтлари шинам шийпонларда ҳордиқ чиқарадилар, меҳнатни ўрнига қўядилар. Айни кунларда улар ҳосилнинг камида саксон процентини биринчи сортга топшириш орзуси билан меҳнат қилмоқдалар. Худди шу кеча-кундузда ҳам хўжаликнинг қайси бригадасига борманг, улкан меҳнат кўтаринкилиги давом этаётганини, сахий деҳқонларнинг баланд кайфият билан ишлаётганини, катта-ю кичик теримда жасорат кўрсатиб, суръатни соат сайин ошириб бораётганларига гувоҳ бўласиз. Бу уларга тез кунларда эл-юрт олдида берган муқаддас ваъдаларининг устидан чиқишларидан дарак бермоқда.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ,
Мажид САМАТОВ,
Шукур ҚУРБОН.

ОҚҚУРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхозда бу йил 640 гектар майдондаги бедадан мўл ҳосил етиштирилди. Шу ҳисобга ҳозиргача 1760 тонна пичан тайёрланди. Айни кунларда (суратда) беда олтинчи марта ўрилмоқда.

Г. Пун фотоси.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

72 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗАМИЗ

РАЙОНИМИЗ чорвадорлари энг масъулиятли палла бўлган қишловга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Айни кунларда ферма ва комплексларни қишловга тайёрлаш билан биргаликда чорвачиликнинг асоси бўлган ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун астойдил курашяптилар. Озуқакорларимиз 1984 — 1985 йил қишловига 52 минг тонна дағал хашак жамғариш планини зиммаларига олишган.

Ҳозиргача ферма ва комплексларда 49 минг тонна дағал озуқа тайёрлаб қўйилди. Сенаж тайёрлаш топшириғи 140 процентга бажарилди. Бошқача қилиб айтганда 10 минг тонна ўрнига 25 минг тонна сенаж бостирилди. Бундан ташқари 15 минг тонна табиий ўт пичани тайёрланиб, бу борадаги топшириқ 115 процентга бажарилди. 9 минг тонна сифатли беда пичани ҳам қишловга тахт қилиб қўйилди. Ҳандақларга ҳозиргача 30 минг тоннадан ортиқ сифатли силос бостирдик. Хўжаликларимизда силос ўрими давом этяпти. Соғин сигирлар маҳсулдорлигини оширишдаги энг муҳим озуқа турларидан бўлган ўт уни тайёрлаш ҳам уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Биз бу йилги шароитни ҳисобга олган ҳолда ўт унини кўпроқ қамишлар ва бошқа табиий ўтлар ҳисобига тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу кўплаб беда пичанини қишловга сақлаб қолиш имкониятини бераётир. Ҳозиргача 900 тоннадан зиёд ўт уни тайёрланди. Октябрь ойи ичида яна 100 тонна бу қимматли озуқа етиштирилади.

Районимизда озуқа етиштиришни жадал суръатларда кўпайтириб боришимизнинг бош манбаи ихтисослаштирилган бригадалар ташкил этилаётганлигидир. Айни пайтда деярли ҳамма хўжаликларда алоҳида озуқа тайёрлаш бригадалари иш олиб бормоқда. Бу бригадалар ем-хашакни асосан озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтириб боряптилар.

Бу йилги шароитда қишловга янада кўпроқ турли хилдаги озуқа жамғаришни давом эттираяпмиз. Озуқакорларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 52 минг тоннага қўшимча яна 20 минг тонна дағал хашак тайёрлашга аҳд қилишди.

Ариқ ва зовур бўйларида табиий ўт пичани тайёрлаш давом эттирилади. Шу ҳисобга 700 тоннага яқин хашак ўриб йиғиб оламиз. 6 минг тонна шоли похоли жамғарилади. Сабзавот, картошка, полиз ва бошқа экинларнинг поялари ҳисобига 355 тонна озуқа тайёрлаш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари пландаги 7 минг тонна ўрнига 10 минг тонна озуқа лавлагиси қишлов учун сақланади.

Хўжаликларимизда белгиланган топшириқларни бажариш учун бутун имкониятлар ишга солинмоқда. Айни кунларда мингдан ортиқ одам ем-хашак етиштириш билан банд. Шунингдек, 26 та ўрим отряди иш олиб боряпти.

Штабимиз аъзолари ем-хашак етиштиришни ташкил қилиш, назоратни йўлга қўйиш билан биргаликда озуқа экинлари парвариши ҳамда уларни ўз вақтида экиб олишга ҳам раҳбарлик қилмоқдалар. Масалан, 10 октябрдан 1 ноябргача 2900 гектар майдонга рапс, перко, жавдар каби оралиқ экинлари экилади.

Далалардан ем-хашакни йиғиштириб олиш билан биргаликда фермаларда уни сифатли сақлаш ҳам жуда муҳимдир. Штабимиз аъзолари бу соҳада ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар. Бир сўз билан айтганда район ем-хашак етиштириш штаби аъзолари бутун кучларни ишга сафарбар этиб, қишловга пухта тайёргарлик кўрилишини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдадар.

Э. РЎЗИБОЕВ,
Бекобод район ем-хашак тайёрлаш штаби бошлиғининг ўринбосари.

⊙ СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Бекобод районидаги Дальварзин совхозининг илғор теримчиси С. Қурбонова ҳар куни хирмонга 150 килограммдан ошириб пахта топширмоқда. Шу совхоз ишчиси Х. Рисалиева ҳам ўзаро мусобақада илғорлар сафида бораётир.

М. Қорабеков фотолари.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ДЎСТЛИКНИ УЛУҒЛАБ

— Хўжалигимиз ташкил топганига 54 йилдан ошди, — деб ёзади Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳ. Ҳамроқулов.— Ҳозир 2 минг гектар ерда пахта етиштирмоқдамиз. Юбилей йилида ҳар гектар ердан 43 центнердан пахта ҳосили олиб, давлатга 8600 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганмиз.

Колхоз Тожикистон ССР Пролетар районидаги Ленин номли колхоз билан мусобақадош. Бу хўжаликларнинг коллективлари тўпланаётган бой тажрибаларни бирга баҳам кўришга одатланишган. Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР ҳамда шу республикалар Компартияларининг шонли 60 йиллигига бағишлаб чиқарилган Бекобод район **«Коммунист»** ва Пролетар райони **«Пролетар тонги»** газеталари қўшма сонида ҳам ҳар иккала хўжалик раҳбарларининг мақолалари эълон қилинган.

Пролетар район Ленин номли колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати А. Саматов ўз мақоласида юбилейолди мусобақасида хўжалик аҳли эришаётган муваффақиятлар ҳақида батафсил тўхталган. Райондаги «Ленинград» колхози бригада бошлиғи Ш. Муллаев, хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи С. Қосимов ва бошқа ўртоқларнинг мақолаларида ҳам дўстлар тажрибасига амал қилиш туфайли эришилган ютуқлар кенг шарҳланган.

Махсус сонда Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамов, Пролетар район партия комитетининг биринчи секретари Ч. Зунунов, бир қатор ишлаб чиқариш илғорларининг мақолаларини ҳам зўр қизиқиш билан ўқийсиз.

ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАЁТ МАКТАБИ

1930 йилдан бери КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Абдусаттор Абдукаримов қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, қулоқларни тугатишда актив иштирок этган ветеранлардан. Дастлаб у Ниёзбош қишлоғида тузилган ҳозирги Ленин номли колхоз комсомолларига бошчилик қилди. Сўнг Далварзин ва Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда, янги совхозлар тузишда қатнашди.

Бундай суяги меҳнатда қотган, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган кишилар Янгийўл районида оз эмас. Яқинда улардан бир группаси **«Янгийўл»** газета редакциясига тўпланишди. Бу ерда қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат тафсилоти газета саҳифасида эълон қилинди.

Суҳбатни Ленин ордени кавалери, 1930 йилдан КПСС аъзоси Назиме Асанова бошлаб берди. У саводсизликка қарши кураш йилларида зўр активлик кўрсатган эди. Сўнг «Янгийўл» совхозида узоқ йиллар меҳнат қилди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди, Ленин ордени билан мукофотланди.

Учрашувда уруш ва меҳнат ветерани Орифжон Маҳмудов, Фотима Саъдиева, Нусрат Мамедов ва бошқалар ҳам ўзлари босиб ўтган йўл ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги олдидан уюштирилган бундай учрашувлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ, 8 октябрь. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг бу ерда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчилари Франция экономикасининг давлат секторидаги аҳволдан ташвишланаётганликларини изҳор қилдилар. Конференцияда сўзга чиққан ФКП сиёсий бюросининг аъзоси Ж.-К. Гэссо национализация қилинган корхоналар ишлаб турганлиги коммунистларнинг давлат сектори тўғрисидаги тасаввури билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас, деди. Мазкур компанияларнинг маъмурияти, деди у, хусусий корхоналар ва кўп миллатли монополияларнинг хўжайинлари сингари иш кўрмоқдалар, меҳнаткашлар ишлаб чиқаришни бошқаришдан ва ҳар қандай қарорлар қабул қилишдан четлаштирилган.

Ҳукумат национализация қилинган корхоналарга нисбатан ишчиларнинг манфаатларига зид бўлган йўлни ўтказмоқда, деб уқтирди ўтишди конференция қатнашчилари. Расмий арбобларнинг корхоналарни модернизация қилиш, янги иш жойлари ташкил этиш, профессионал тайёргарлик системасини яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги гаплари кўпинча ҳақиқатга тўғри келмаяпти. Давлат компанияларининг раҳбарлари белгилаётган тадбирлар натижасида ишчиларни оммавий равишда ишдан бўшатиш давом этмоқда, меҳнаткашларнинг моддий аҳволи ёмонлашиб, уларнинг харидқобилияти пасайиб кетмоқда.

Экономиканинг давлат секторидаги аҳволи жиддий ташвиш туғдиради, деди конференциядаги докладида Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси К. Бийяр. Металлургия саноатида банд бўлган 14 минг меҳнаткаш ҳозирнинг ўзидаёқ ишдан бўшатилиши тўғрисида маълумотнома олди, яна 27 минг кишининг қисмати ҳам шундай бўлиши кутилмоқда. «Рено» автомобиль компаниясининг маъмурияти бу йил салкам 10 минг ишчини ишдан бўшатишни мўлжалламоқда, национализация қилинган бошқа компаниялар ҳам ишчиларни кўплаб ишдан бўшатиш режаларини ишлаб чиқди.

Вужудга келган вазиятда, деб уқтирилди конференцияда, Франция Компартияси меҳнаткашларнинг иш билан таъминланишни гарантиялаши, янги иш жойлари ташкил этилиши, социал тараққиёт ва саноат чинакам модернизация қилиниши учун олиб бораётган курашини активлаштиришни ёқлаб чиқмоқда.

ПХР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ВАРШАВА, 8 октябрь. (ТАСС). ПХР ички ишлар министрлиги вакилининг Варшавада Польша журналистларига маълум қилишича, Польша контрразведкаси органлари 1944—82 йиллар мобайнида 2140 жосусни фош этган, улардан 713 киши Америка разведкасига, 431 киши Англия разведкасига, 219 киши Франция ва 206 киши Ғарбий Германия разведкасига хизмат қилган. 1984 йилнинг биринчи ярмида НАТО махсус хизмат маҳкамалари Польшадаги стратегик мудофаа объектларига 340 марта жосуслик қилганликлари қайд этилди. Жосус дипломатлар мамлакатнинг «84 йил ёзи» ва «Ғарб-84» машқлари ўтказилган районларига суқулиб киришга уринганлар. Шу йилнинг май ойида ПХРга қарши жосуслик билан шуғулланган АҚШ ва Буюк Британия дипломатлари қўлга туширилди.

БРЮССЕЛДА ПОРТЛАШ

Брюссель, 8 октябрь. (ТАСС). Брюсселнинг НАТО қароргоҳи жойлашган Эвере районида бугун эрталаб кейинги 7 кун ичида учинчи марта кучли портлаш юз берди.

Портлаш электрон асбобускуналар, хусусан ҳарбий мақсадлар учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Хани — уэлл» Америка корпорацияси биноси олдида бўлган. Пойтахт радиосининг хабар қилишича, портлаш натижасида қурбон бўлганлар йўқ, лекин бинога катта моддий зарар етган. Бундан аввал Американинг «Литтон индастриз» ҳарбий-саноат корпорациясига ҳамда Ғарбий Германиянинг бундесвер учун оғир юк ташийдиган поездлар ишлаб чиқарадиган Ман фирмасига нисбатан ана шундай хуружлар қилинган эди. Бу фирмаларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада НАТО билан боғланган.

Бельгия ҳукумати дастлабки иккита портлашдан кейин шимолий Атлантика уюшмасига аъзо элчихоналарини ҳамда НАТО фойдасига ишлаётган ғарбдаги корпорацияларнинг биноларини қўриқлашни кучайтирди.

БОСМАЧИЛАР ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНДИ

КОБУЛ. (ТАСС). Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси махсус революцион судининг очиқ мажлиси ниҳоясига етди. Революцион суд шу йил 31 август куни Кобул халқаро аэропортида бомба портлатишни уюштирган ўн кишининг ишини кўриб чиқди. Маълумки, ана шу ваҳшиёна хуруж натижасида 12 киши ўлган ва 207 киши жароҳатланган эди.

Босмачилар қилмишларига яраша жазо олдилар: 9 киши ўлим жазосига, 18 ёшга тўлмаган бири эса 15 йиллик муддат билан турма жазосига ҳукм қилинди.

Жиноятчилар олдига вазиятни издан чиқариш, одамларни чўчитиш, маъмурларнинг обрўсини тўкиш, жосуслик қилиш вазифалари қўйилган. Дастлабки тергов жараёни вақтида АҚШ ва Покистондаги тегишли хизмат маҳкамалари босмачиларнинг кўпорувчилик фаолиятига етакчилик қилганлиги аниқ-равшан исбот қилинди. Масалан, шайка бошлиқларидан бири Муҳаммад Иброҳим Покистонга бир неча марта бориб у ерда американкаликлар билан учрашиб турган ва уларга АДРдаги аҳволга доир маҳфий маълумотларни топширган. У бу ердан қурол-яроғ, аксилинқилобий руҳдаги адабиёт ва қалбаки ҳужжатлар олиб келган.

Жиноятчилар Кобулдаги жамоат тўпланадиган жойларни портлатиш учун Америкада ишлаб чиқарилган 40 минани, «ташкилий» харажатлар учун эса бир неча минг доллар маблағни Покистондан олганлар. Босмачилар бир неча жойда мина портлатишни мўлжаллаганлар. Аммо АДРнинг хавфсизлик кучлари уларнинг жиноий ишларига чек қўйди.

Судланувчилар курсисига ўтирган босмачилар ўзларини қўй оғзидан чўп олмаган гуноҳсиз кишилар қилиб кўрсатишга уриндилар ва ҳатто тузаламиз қамда ҳалол меҳнат қиламиз, деб ваъда ҳам бердилар.

Аэропортдаги портлаш вақтида жароҳатланган уч киши суд мажлиси залида пайдо бўлди. Исматулла деган ишчини замбилда олиб келадилар, унинг чап оёғи тўпиғи узилиб тушган, ўнг оёғи эса мажақланган. Улардан кейинги майор Саид Мамад қўлтиқ таёқда юриб келди. Ўша вақтда аэропортда бўлган катта лейтенант Довудгина ҳеч кимнинг ёрдамисиз юриб келди. Лекин у кўр бўлиб қолган, юзи чандиқлар билан қопланган эди.

Прокурор босмачиларга: ўз фаолиятимизда Ислом динига амал қилган эдик, дедингиз. Ана шу ваҳшиёна жиноят Ислом динига тўғри келадими? деган саволни беради.

Судланувчилар лом-лим дейишолмайди. Дарҳақиқат, уларнинг айтадиган гапи ҳам йўқ. Ифвогарлик руҳидаги гапларни бу ерда айтишдан фойда йўқлигини улар тушунадилар.

Залдагилар ўринларидан туриб ҳукмни тинглайдилар ва гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳукм қатъий ва шикоят қилишга ўрин йўқ. Революцион кенгаш президиуми бу ҳукмни тасдиқлаганидан кейин у ижро этилади.

Суд алоҳида ажрим ҳам қабул қилиб, АҚШнинг Афғонистон ички ишларига аралашуви давом этаётганлиги муносабати билан БМТ Бош секретари номига норозилик хати юборишни тавсия этди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ДЕҲЛИ. Қўшма Штатлар Ҳиндистоннинг ички ишларига кўпол равишда аралашувни давом эттирмоқда. «Хиндустан таймс» газетасининг хабар қилишича, яқин кунларда АҚШ конгресси вакиллар палатаси ташкилий ишлар комиссияларининг бир қанча кичик комиссияларида Ҳиндистоннинг Панжоб штатидаги аҳвол юзасидан жуда маҳфий вазиятда инструктаж ўтказилган. Маълумки, бу штатда чет эллардан мадад олиб турган экстремист унсурларнинг актив қўпорувчилик фаолияти давом этмоқда. Инструктажни МРБ, Пентагон давлат департаменти ва разведка хизматининг ходимлари ўтказишди.

Расмий Вашингтоннинг Ҳиндистонга қарши навбатдаги ифвогарлигини АҚШда ўрнашиб олган сепаратчи СИКХ группаларининг аъзолари хурсандлик билан кутиб олдилар. Буни улар ўз фаолияти тобора қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат беради, деб баҳоламоқдалар.

● ВАШИНГТОН. Оқ уй олдида Америка маъмуриятининг халққа зид милитаристик сиёсатига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш АҚШ ҳукумати социал эҳтиёжлар учун маблағларни қисқартириш ҳисобига қуролланиш пойгасини кучайтираётганлигига қарши норозилик белгиси остида Вашингтондаги бир қанча жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан бошланган бўйсунмаслик ойлиги муносабати билан ўтказилди. «Бизга бомбалар эмас, иш керак!» — деб такрорладилар намойиш қатнашчилари.

Полиция намойиш қатнашчиларидан икки киши «Халқ АҚШ маъмуриятининг шармандали фаолиятига қарши курашмоқда» деган сўзлар ёзилган плакатларни очган вақтда уларни қамоққа олди.

(ТАСС).

ВАРШАВА

Шрем шаҳрида (Познань воеводалиги) Польша-Совет дўстлиги Умумпольша юриши оммавий митинг билан тугади. Совет армияси ва Польша қўшинларининг жанговар шон-шуҳрат жойлари бўйлаб бу анъанавий юриш Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 67 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Республиканинг барча районларидан ёш ишчилар ва мактаб ўқувчилари, студентлар ва Польша социалистик ёшлар иттифоқи федерациясининг активларидан 2 мингга яқин киши ташкилотчилар тайёрлаган 26 та трасса бўйлаб юриш маррасига етиб келди.

МАНИЛА

Бу ерда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасига аъзо бўлган мамлакатлар меҳнат министрларининг конференцияси очилди. Конференциянинг Индонезия, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Бруней ва Филиппиндан келган қатнашчилари уюшмага аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқадилар, шунингдек империалистик давлатлар ўтказаётган халқаро савдо-сотиқ муносабатларидаги протекционизм ва камситиш сиёсатига қарши биргаликдаги кураш йўлларини муҳокама қиладилар.

(ТАСС, 8 октябрь).

Француз меҳнаткашлари бу ерга «Армения» теплоходида тинчлик ва дўстлик визити билан келган совет касаба союзлари делегациясини илиқ қарши олдилар. Совет Иттифоқи касаба союзларининг вакиллари бу визит давомида Парж, Гавр, Сен-Назер, Бордода ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бўлдилар, тинчликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасига қарши курашга бағишланган митинглар, учрашувлар, намойишларда иштирок этдилар. Суратда: французлар совет касаба союзларини Гавр портида кутиб олмоқдалар.

Ю. Королев фотоси.

ТАСС.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

КАТТАЛАРГА тақлид қилиш барча болалар психологиясига хос бўлган умумий хислатдир. Бу ота-онанинг ҳам, оиладаги катталарнинг ҳам ўзларининг энг яхши фазилатлари билан болаларга ҳар томонлама намуна бўлишлари лозимлигини тақозо этади. Агар катталар юриш-туришда, кийинишда, муомалада, айниқса, меҳнатда амалий намуна кўрсатмас эканлар, одоб-ахлоқ, тўғрилик, меҳнатсеварлик хусусидаги оғзаки панд-насиҳатларнинг беҳуда кетиши табиий. Оилада шахсий намунанинг таъсир кучи беқиёсдир.

Аммо афсуски, бола тарбияси соҳасидаги ўз бурчларини чуқур англаб етмайдиган ёки бу муҳим масалага лоқайд муносабатда бўладиган айрим ота-оналар оилада соғлом тарбиявий шароитни вужудга келтириш ўрнига фарзандларнинг одобсиз, ишёқмас, олифта бўлиб ўсаётганликлари учун ҳамма айбни мактабга, ўқитувчилар елкасига ағдармоқчи бўладилар. Ўғил-қизлари ота-оналари ҳисобига яшаб, башанг кийиниб, ҳеч қандай наф келтирмай, текинхўр бўлиб ўсаётган бундай болалар оз бўлсада учраб туради.

Ҳа, «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл ҳаётий ҳақиқатдир. Машҳур совет педагоги Макаренко бола тарбиясига кечикмай, эртароқ киришиш зарурлиги тўғрисида шундай деган эди: «Беш ёшгача нотўғри тарбияланган болани кейин қайта тарбиялаш қийин бўлади. Бола тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши».

...Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи маҳалладошим Равшан Салимов кооператив уй олиб, кўчиб кетаётганида кичик ўғли Бахтиёрни ўзи билан олиб кетди-ю, аммо катта ўғли Баҳодирни бувиси тарбиясида қолдирди. Буви эса севикли набирасини тергамади, яйраб юрсин, деб эркин қўйиб қўйди. Оқибатда Баҳодир саккизинчи синфни базўр битириб, ўқишни мутлақо ташлаб юборди. Лекин, афсуски, бирор муқим касб-кор эгаси бўлиш тўғрисида ўйламади. Бир ерда ёлчитиб ишламай, кўп вақт бекор, бемақсад юраверди. Бу орада ўзи сингари саёқ ёшлардан дўстлар орттириб, кўчама-кўча санқиб юрди, уйига келмай қоладиган одат чиқарди. Бундан хавотирга тушиб қолган бувиси панд-насиҳатга ўтди. Аммо энди кеч бўлган эди. Набираси уни назарга илмай қўйди, сўзларига қулоқ солмади. Олий маълумотли

ОИЛА ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

ота-она эса фарзандлари тарбиясини бувиси ихтиёрига топшириб қўйиб, хотиржам юравердилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Баҳодир эса аста-секин жиноят йўлига кириб борганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Яқинда у ўзининг иккиуч «дўст»и билан 139-ҳунар техника билим юртининг стипендия пули олган студентлари йўлини тўсиб, тўнамоқчи бўлаётганда жамоатчиликнинг даҳил ҳаракати билан қўлга тушди. Одил суд уч йиллик муддатни ахлоқ тузатиш колониясида ўтказишга ҳукм қилди. Ота-онанинг фарзандини қутқариб қолиш илинжида елибюгурганлари фойда бермади. Чунки уларнинг кўзлари кечроқ очилди. Афсуски, оила шаънига доғ тушди.

...Ҳар сафар мана шундай кўнгилсиз воқеаларни эшитганимда одоб ва ахлоқли, ҳалол ва меҳнатсевар фарзандлар вояга етаётган таниш оилаларни беихтиёр ёдга оламан. Хонадонларида бундай тарбиявий муҳитни вужудга келтирган ота-оналар фарзандларининг ҳузур-ҳаловатини кўриб яшамоқдалар. Мен Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозда истиқомат қилаётган Султонхўжа ва Муҳаббат Раҳимовалар хонадонини ана шундай бахтиёр оилалар қатори тилга олишни истайман.

Бу оилада тўрт ўғил, уч қиз улғайиб вояга етди. Набиралар ҳам сероб. Ҳозир Аҳмаджон билан Бахтиёр колхозда қурувчи. Саид эса шофёр, Мавлуда билан Мақсуда қишлоқ мактабида ўқитувчи. Бурхон — инженер. Қизлардан яна бири боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Уларнинг одоби ва меҳнатидан бутун қишлоқ аҳли миннатдор.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумида умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари атрофлича муҳокама қилинар экан, ёш авлодга чуқур билим бериш билан бирга уларни жамиятимизнинг ҳар томонлама етук, онгли аъзоси қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бунда аввало оила, сўнгра мактаб ва жамоатчилик ҳал қилувчи роль ўйнаши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу бежиз эмас. Чунки баъзи ота-оналар фарзандларига нисбатан ҳаддан ташқари меҳрибонлик кўрсатиб, улар тарбиясини кўр-кўрона бузадилар. Аслида ота-она меҳри фақат **фарзанд камоли йўлида хизмат** қилиши керак. Бундан ташқари бола тарбиясига оид муҳим масалани оиланинг ўз ихтиёрига ташлаб қўймасдан, бу ишда қўниқ-қўшни ва бутун маҳалла аҳли баравар жон куйдириши зарур.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер.

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Х. С. Сулаймонов номли қўлёзмалар институтининг олимлари Ҳамза меросини чуқур ўрганмоқдалар.**

Суратларда: (юқорида) Тошкент педагогика институтининг студентлари Саломат Сулаймонова (чапда) ва Зулхумор Исҳоқовалар Навоий номли республика кутубхонасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган кўргазмани томоша қилмоқдалар. (Пастда) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг турли йилларда нашр этилган асарлари ва унинг ҳақидаги тадқиқотлар.

Р. Нуриддинов фотолари.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ШАХМАТ

● Жаҳон чемпионлиги учун Гарри Каспаров билан Анатолий Карпов ўртасида ўтказилаётган баҳснинг ўнинчи партияси 15-юришда дуранг бўлиб тугади. Навбатдаги учрашув бугун ўтказилади. Чемпион оқ доналар билан ўйнайди.

МОТОСПОРТ

● Тошкент отчопарида спортнинг бу тури бўйича биринчи марта СССР чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. РСФСР вакиллари команда ҳисобида ғолиб келишди. Шунингдек бу республиканинг вакиллари эркаклар мусобақалашган учта классдаги машиналарда ҳам биринчи ўринни эгалладилар.

БОКС

● ГДР пойтахтида бўлиб ўтган халқаро турнирда 14 мамлакатнинг 122 спортчиси иштирок этди. Совет боксчилари 4 та биринчи, иккита иккинчи ва иккита учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолиб келганлар орасида тошкентлик Ҳаким Матчонов (81 килограмм) ва Ринат Тришчев (91 килограмм)лар ҳам бор.

Спортнинг шу тури бўйича Ўзбекистон чемпионати эса Нукус шаҳрида ўтказилди. Бунда турли кўнгилли спорт жамиятларининг 88 вакили қатнашди. Чемпионлик шоҳсупасига кўтарилганлар орасида Тошкент шаҳри ва пойтахт области вакиллари ҳам бор. Улар қуйидагилар: Р. Ҳасанов, Т. Исроилов (ҳар иккиси Тошкент областининг Армия спорт клуби командасидан), А. Шелягин (Чирчиқ, «Буревестник»), А. Василенко (Тошкент области, Армия спорт клуби), А. Тарасов (Тошкент, «Старт»).

СУВ ПОЛОСИ

●«Труд» жамияти Марказий Совети чемпионати Душанбе шаҳрида бўлиб ўтди. Ғолиблик учун тўққиз команда қатнашди. Барча учрашувларда устун келган Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари жамият чемпиони бўлишди.

ВЕЛОСПОРТ

● Трек мусобақаларида «Спартак» вакилларига тенг рақиб топилмади. Халқаро классдаги спорт мастери А. Панфилов спринт ва жойидан 1000 метрга гит пойгасида ғолиб келди.

ЁШ РАССОМНИНГ ИЛК КЎРГАЗМАСИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти бадиий-графика факультетида бўлажак педагог-рассомлар ижоди намуналаридан кўргазмалар ташкил қилиш, анъанага айланиб қолган.

Шу кунларда расм кафедрасининг ўқув-машғулот залида намойиш этилаётган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган навбатдаги кўргазмада ёш рассом Риза Хўжановнинг ранг тасвир ҳамда графикага оид 50 дан знёд ижодий иши жамланган. Улар орасида «Тун», «Қиш оқшоми», «Зарафшон дарёси қирғоғида», «Сергелида қиш», «Биринчи қор», «Қария» каби композиция, манзара, портретлар бор.

Айниқса, пахта теримида қатнашаётган студент-ёшлар тасвирланган «Пахта мавсуми» эскизи, ҳамда табиатнинг ажойиб, қайтарилмас лаҳзасини акс эттирувчи «Емғирдан сўнг», «Деразадан кўринаётган полиз» номли манзаралар воқеаларни объектив тарзда ифодаланганлиги ва рангларининг сержилолиги билан ажралиб туради. Бир туркум қалам-тасвирларда эса, студентлар, колхозчилар, турли касб кишиларининг қиёфаси ўз аксини топган.

Б. ТОЖИЕВ.

«ОПТИКА»ГА МАРҲАМАТ

Луначарское шоссесида янги марказий «Оптика» магазини очилди. У «Гормедтехника»га қарашли энг йирик магазин-корхона деса бўлади. Янги савдо корхонаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Мазкур магазинда оптикага боғлиқ деярлик барча ишлар бажарилади. Ҳатто сферопризматик линзалар ҳам қўйиб берилади. Зарур бўлса кишилар врач-офтальмолог томонидан консультация оладилар. Магазинга кўзойнакларни ремонтга топшириш ҳам мумкин.

Ю. ЧЕРНОГАЕВ.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. ҲАСАНОВ жавоб беради.

САВОЛ: комбинатда ишлаганимга бир йил бўлди. Отпускага чиқмоқчи бўлиб, маъмуриятга мурожаат қилсам, график бўйича отпуска оласан, дейишди. Менга ўн бир ой ишлаганингдан кейин отпуска оласан, дейишган эди. Ўн бир ой ишламасдан олдинроқ отпуска олганларни учратдим. Отпуска тартиби қонунда қандай?

М. ЭРМОНОВ.
Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ: йиллик отпуска олиш ҳуқуқи СССР Конституцияси билан гарантияланган. Ишчи ва хизматчиларга йиллик отпуска берилиши меҳнат қонунлари асосларида, Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексида, шунингдек, кўплаб қонун актларида кўзда тутилган. Меҳнат муносабатлари тартибидаги шартномалар асосида давлат корхоналарида ишловчи ва давлат социал страхованиесидан фойдаланувчи штатсиз ходимлар умумий асосда йиллик отпуска олиш ҳуқуқига эга. Фақат муваққат ишловчиларга ва мавсумий ишларда банд бўлган шахсларгагина отпуска берилмайди.

Ходим бутун йил давомида корхонада ўн бир ой узлуксиз ишлаганидан кейин отпуска олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ходимнинг илтимоси билан йиллик отпуска узлуксиз ўн бир ой ишламасдан олдин қуйидагиларга берилади: 18 ёшга етмаган ишчи ва хизматчиларга, хомиладор аёлларга (туғиш отпускаси олдидан ёки кейин), запасга бўшатилган ва ташкилий тартибда ишга юборилган ҳарбий хизматчиларга — 3 ой ишлаганларидан кейин ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллларда.

Бир корхонадан бошқа корхонага кўчирилган ишчи ва хизматчиларга улар кўчирилганидан кейин ўн бир ой ишламасдан-оқ отпуска берилиши мумкин. Агар кўчирилишдан олдин ходим бир корхонада ўн бир ой ишламаган бўлса, ходимга йиллик отпускаси кўчирилишидан аввал ва кейин жами бўлиб ўн бир ой ишлагач берилади.

●

САВОЛ: мен меҳнат отпускасига чиққан давримда 7 яшар болам касал бўлиб қолди. Врачлар менга 7 кунлик касаллик варақаси беришди. Аммо мен ишлаган корхона раҳбарлари бундай ҳолда ҳақ тўланмайди, дейишди. Шу тўғрими?

М. АВАЗОВА.
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: ҳа, Давлат социал страхованиеси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги Низомнинг 7 бандига мувофиқ нафақа ишчи ва хизматчиларнинг ўзларигина бетоб бўлиб қолганларида тўланади. Бола онанинг отпуска пайтида касал бўлиб қолса, бетоб болага қараб турганлиги учун касаллик варақаси очилиши ва нафақа тўланиши қонунда кўрсатилмаган.

ЮБИЛЕЙ КИНОПРОГРАММАСИ

СЕРҚУЁШ республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейини Ўзбекистон киноҳужжатчилари янги фильмлар яратиш билан кутиб олмоқдалар. Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинаётган лента лар орасида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи экран асарлари ҳам бор.

Юбилей тантаналари кунларида республика кинотеатрларида бу хил фильмлар кенг намойиш қилинади. Ана шу программа «Ленин ва Ўзбекистон», «Ленинни мадҳ этамиз» номли тўлиқ метражли лентани, «Ўзбекистон — Улуғ Ватан уруши йилларида» деган картиналарни ўз ичига олади.

Ўзбек халқи содиқ фарзандларининг ҳаёт йўлига бағишланган ҳужжатли фильмлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Студия коллективи яратган «Иўлдош Охунбобоев», «Усмон Юсупов», «Партия фарзанди», «Файзулла Хўжаев» деб номланган экран асарлари ҳам томошабинларга тақдим этилади.

С. ОДИЛОВА.

БЕЛОРУССИЯДАН ХАТ

ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Гродно шаҳрида бўлиб ўтган тантанали кеча ўзбек ва белорус халқининг интернационал бирлигини яна бир марта намойиш этди. Кечада сўзга чиққан уруш ветеранлари ўзбекистонлик Ю. Ивлиевнинг Белоруссияни озод қилишдаги қаҳрамонона ҳаёти ҳақида сўзлаб бердилар. Авиаэскадрилья командири, капитан Ю. Ивлиев Ғарбий ва 2-Белоруссия фронтида иштирок этиб, юзга яқин жанговар топшириқларни сидқидилдан бажарган. Ҳозирда шаҳар марказий кўчаларидан бири унинг номи билан аталади.

Биз Гродно университети студентлари бахтли келажагимиз учун ҳаётини қурбон қилган Ю. Ивлиев ҳақида альбом ташкил қилдик. Унинг номи ҳурмат билан тилга олиниб, қалбларимизда абадий яшайди.

К. КОРНЕЛЮК,
студент.
Белоруссия ССР Гродно шаҳри.

ТВ

БУГУН

МТ I. 9.00—«Время». 9.40 — Концерт. 10.05 — Княжна Мэри. Бадиий фильм. 11.40 — Саёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — С. Токомбаева шеърлари. 17.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 — Усмликлар олами. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Молдавия ССР телевидениесининг республика ташкил топганлиги ва Молдавия Коммунистик партияси тузилганлигининг 60 йиллигига бағишланган программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.30 — Москва музейларининг ноёб ҳазиналари. 23.15 — Дунё воқеалари.

МТ II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.05 —Антарктидага командировка. 1-кўрсатув. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 14.10 — Совет тасвирий санъати. 15.10 — Ф. Энгельс. Ҳаёт саҳифалари. 15.55 — И. В. Гёте. Фауст. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телефильм. 18.55 — Фильм-концерт. 20.00 — Тажриба олдидан. 1-кўрсатув. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Тележурнал. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30—Время. 22.05 — Қадрдон иш. Бадиий фильм.

Ўз ТВ I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Қадрдон дўстлар. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 —Кинопрограмма. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 —Ҳужжатли фильм. 19.30 —Ахборот. 19.50 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.55 — УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.30—Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — УзССР халқ артисти Г. Ҳамроевнинг ижодий кечаси. 23.15 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 —Москва-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Ўқитувчи экрани. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Икки комедия. Телеспектакль. 21.00 — Тошкент қишга ҳозирлик кўрмоқда. 21.30 — МТ II.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчи (Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар), **ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи** (қизлар), **коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи** (қизлар).

ЎҚИШ МУДДАТИ—4 ОЙ.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзларга эга бўладилар.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 16.30 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановалик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34. 40, 57, 58, 70, 79- автобуслар, 4, 7, 11, 26, 9, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

1985 ЙИЛНИНГ ИСТАЛГАН ОЙИ УЧУН

ПУТЁВКАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ БИЛАН

ТАШКИЛОТЛАР (корхоналар) **ТУЗГАН ШАРТНОМА ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ.**

Касаба союзлари Советларининг раислари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва касаба союз комитетлари раислари

ДИҚҚАТИГА!

ШАРТНОМА КАМПАНИЯСИ 1984 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНДИ.
ШАРТНОМАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУЗИНГ!

Бу Москва, Ленинград, Украина, Болтиқбўйи, Қора денгиз соҳили, Закавказье республикалари туристик маршрутлари бўйича путёвкаларнинг барча турларини таъминлайди, чекланган миқдорда мавжуд бўлган путёвкаларни олиш ҳуқуқини беради, пул ҳисоб-китобларини таъминлайди.

Шартномалар тузиш юзасидан Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар республика Совети путёвкаларни реализация қилиш бюросига мурожаат этилсин.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 116-уй, (24, 101-автобусларнинг «Севастопольская кўчаси» бекати; 1-автобуснинг «Саёҳат» меҳмонхонаси бекати; метронинг «М. Горький» станцияси). Телефон: 66-26-41).

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Жизель,** 11/Х да **Тоҳир ва Зуҳра,** 12/Х да **Оловли фариштa.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Зебунисо,** 11/Х да **Афғон репортажи,** 12/Х да **Отелло.**

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетанинг обуна баҳоси:
бир йилга—6 сўм 60 тийин,
олти ойга—3 сўм 30 тийин.

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар кунни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ / "Ташкентская правда" / ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

ВИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749, қишлоқ хўжалиги—325647, пропаганда—325556, совет қурилиши—325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553, адабиёт ва санъат—325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733, хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354, фельетонлар—325556, фотомухбир—325894.

Р. 20113. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1801. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12